

МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШНИНГ МОҲИЯТИ, ХУСУСИЯТЛАРИ, ДИДАКТИК ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ТУРЛАРИ

Камалов Азамат Фарходович

Тошкент давлат педагогика университети
таянч докторанти

АННОТАЦИЯ

Ушибу мақола ўқув амалиётини риволантиришида ахбарот технологияларининг таълимга интеграциялашуви ва улар ўртасида масофавий таълим технологияларининг ажратилиши шунингдек таълим мазмунининг элементларини масофавий таълим курсларига ўтказиши информатика ва ахборот технологияларини ўрганишига нафақат талабаларнинг мустақил, ижодий ва изланиши ўқув фаолиятини тўлиқ амалга ошириши, балки ўқув жараёнини янада жадаллаштиришига бағишланган.

Калим сўзлар: масофавий таълим, информатика, ахборот технология, талаба, тамойиллар.

АННОТАЦИЯ

В данной статье основное внимание уделяется интеграции информационных технологий в образование и разделению технологий дистанционного обучения между ними в развитии образовательной практики, а также переносу элементов содержания образования в дистанционные курсы для полноценного ускорения процесса обучения.

Ключевые слова: дистанционное обучение, информатика, информационные технологии, студент, принципы.

ABSTRACT

This article focuses on the integration of information technology in education and the separation of distance learning technologies between them in the development of educational practice, as well as the transfer of elements of educational content to distance learning courses to fully accelerate the learning process.

Keywords: distance learning, computer science, information technology, student, principles.

КИРИШ

Жаҳонда тараққиётнинг янги - ахборот босқичига кириши, ахборот жараёнлари инсон ва жамият ҳаётининг энг муҳим таркибий қисмларидан

бирига айланмоқда. Ўқув амалиётини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида ўқув жараёнини ташкил этишнинг янги, жадал шаклларини излаш муаммоси долзарб бўлиб қолди, бу эса ахборот технологияларининг таълимга интеграциялашувига ва улар ўртасида масофавий таълим технологияларининг ажратилишига олиб келмоқда. Ўқув жараёнининг самарадорлиги, талабаларга информатика ўргатиш натижалари даражаси кўп жихатдан информатика ўқитувчисининг касбий тайёргарлигига, унинг педагогик маҳоратига, таълимнинг замонавий, интенсив шаклларидан фойдаланишга боғлиқ бўлиб, улардан бири масофавий таълим бўлиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Жаҳон олий таълим муассасаларида талабаларнинг замонавий технологик билимларини кенгайтириш, инновацион ахборот технологиялари, компьютер телекоммуникацияларидан фойдаланишга асосланган масофавий таълим аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ва қатламлари учун мавжуд бўлган кўп мақсадли, жумладан, трансдисциплинар, таълим ва касбий дастурларни амалга ошириш имконини беради. Ахборот жамияти шаклланиши шароитида олий таълим учун информатика ўқитиш алоҳида аҳамиятга эга. Таълим мазмунининг элементларини масофавий таълим курсларига ўtkазиш информатика ва ахборот технологияларини ўрганишга нафақат талабаларнинг мустақил, ижодий ва изланишли ўқув фаолиятини тўлиқ амалга ошириш, балки ўқув жараёнини янада жадаллаштириш имконини бермоқда.

Республикамизда халқаро тажрибалар асосида табақалаштиришни амалга оширишда масофавий шакл элементларидан фойдаланган ҳолда информатика ўқитиш мазмунини лойиҳлаштириш, масофавий ўқитишнинг дидактик иммокониятларининг назарий-методик асослаш, унинг дастурий ва методик таъминотини табақалаштиришнинг муайян шакллари ва унда масофавий ўқитишнинг роли ҳақидаги тушунча, тасаввурларни ривожлантиришни олдиндан белгилайди. 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги[1] фармони ҳам айнан шу рақали технологияни ривожлантиришга ва масофавий таълимни ривожлантириўга хизмат қиласи. Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, таълим самарадорлиги иммокониятларини ривожлантириш, меҳнат бозорини юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш вазифаси илгари сурилди. Натижада, табақалаштирув ёндашуви асосида

масофавий таълим технологиялар самарадорлигини оширишга тааллуқли масалалар алоҳида долзарблик касб этади.

Шу билан бирга ўзбек тилидаги Интернетни ривожланиши ва ундаги таълим соҳасига тегишли маҳсус сайтларини пайдо булишини хам айтиш лозим деб хисоблаймиз. 2004 - йилнинг биринчи кварталнинг узида Интернет фойдаланувчилар сони тахминан 511 000 га етди (2003 йил бошида 275 000 та). Шу билан бирга 2003 йил бошига нисбатдан интернет провайдер ва операторлар сони 263 (усиши 94,8%), УЗ зонадаги вебсайтлар сони эса 2600 дан ошди (усиши 188,4%), Интернетга боғланган давлат корхоналар сони 470 (усиши 63,6%), хужалик субъетлар сони 8600 (усиши 68,9%), интернетдан оммавий фойдаланиш пунктлар сони 228 (усиши 115,1%) га teng булди.

IATP программасининг интернет грантлари натижасида ташкил килинган ва 2002 йилдан фаолият курсатиб келган "Масофавий таълим портали" (<http://dl.freenet.uz>) ёки куплаб Республикализ Университет ва Институтлари томонидан узларининг веб сахифаларида ташкил килинган "Масофавий таълим курслари"ни хам алоҳида айтишимиз зарур (масалан <http://nuu.uz> Узбекистон Миллий Университети сайтида ташкил килинган курслар). Таълим соҳасига тегишли кўплаб фойдали ва қизиқарли веб сайтлар яратилмоқда, (<http://www.bilim.uz> , <http://www.bilimdon.uz> , <http://wwwilm.uz> , <http://www.student.uz> , <http://www.study.uz>). Энг кувонарли эса интернетда нафакат университет, институт, коллеж ва академик лицейлар балки олий таълим муассасалари лар хам узларининг веб сахифаларига эга бўлишмоқдалар.

Бошқа мисол килиб Республикализнинг олий юртлари томонидан ташкил килинган видеоконференцияларни хам айтиш мумкин. 2002 йилда Республикаизда биринчи марта Президент Девони, Ташқи Иқтисод Алоқалар Вазирлиги, Жаҳон Иқтисод ва Дипломатия Университети ва Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети уртасида видеоконференция утказилди. Хозирги кунда Республикализнинг Тошкент Давлат

Техника Университети, Тошкент Давлат Иқтисод Университети, Жаҳон Иқтисод ва Дипломатия Университети, Тошкент Давлат Аграр Университети ва бошқа олий ўқув юртларида бир неча марта видеоконференциялар ўтказқилган эди ва ўтказилмоқда.

2010 йилдан бошлаб Тошкент ахборот технологиялари университети ва филиаллари ўртасида видиеконференциялар ўтказилмоқда. Машғулотларни шу соҳадаги етакчи мутахассислар олиб бормоқда. Ҳозирги пайтда Фарғона

филиалининг магистрлари online шаклда My SQL Java Script тилларидан ўз билимларини масофавий шаклда ошироқдалар. Демак, олий ўқув юртларида масофавий таълимни ташкил этиш ва ўтказиш борасида етарлича тажриба ортирилган деб таъкидлаш мумкин. Бундан ташқари, олий ўқув юртларида хорижий ҳамкасбларнинг тажрибасидан кенг қўлланилади.

С.Х.Доттаев таълим жараёнини рақамлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири бу телекоммуникация, тармоқ муҳити, ахборот ва дастурий таъминот, ўқув маълумотлар базаси, электрон кутубхоналар, электрон ўқув нашрлари, мультимедиа маҳсулотлари, турли ахборот алмашинувини автоматлаштирувчи тизимлар ва бошқаларни бирлаштирган олий таълим муассасасининг ахборот методик таъминотини яратиш учун ахборот технологияларини кенг жорий этишдир деб такидлайди[4]

Ш.Б.Бекчанова масофавий таълимда талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг ўзаро ҳамда таълим жараёнида қўлланиладиган воситалари билан таълим бериш интерфаол жараёндан иборат бўлиб, бунда таълим жараёни уларнинг географик фазовий жойлашишига боғлиқ бўлмаслигини изохлади[5].

МТнинг модуллилик, ўқитувчи ролининг янгилиги, таҳсил олувчининг ролининг янгилиги каби ўзга хос хусусиятларини батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Модуллилик. МТ дастурлари асосига модуллилик тамойили қўйилади. Масофавий курснинг ўқув материали тегишли модулларга бўлиниши зарур, ва бу мустақил ўқув курслари тўпламидан таҳсил олувчиларнинг индивидуал ёки гурухий эҳтиёжларига жавоб берадиган ўқув режасини шакллантириш имконини беради.

Ўқитувчи ролининг янгилиги. Масофавий таълим режимида ўқитувчининг роли жиддий ўзгаришларга учради. Яъни, ўқитувчининг таҳсил олувчилар билан ўзаро фаолияти асосан асинхрон тарзда электрон почта ёки алоқа тизимлари ёрдамида амалга оширилади. Шу муносабат билан, педагог зиммаси билиш жараёнини мувофиқлаштириш, ўқитилаётган курсни ислоҳ қилиш, таҳсил олаётганларга маслаҳат (консультация) бериш, уларга ўқитилаётган курсларни тинимсиз такомиллаштириш, янги жорий қилинган восита, усул, методлар ва инновацияларга мувофиқ равишда ижодий фаоллик ва малака квалификацияни ошириш мухимдир.

Талаба ролининг янгилиги. Анаъавий таълимга нисбатан талабанинг роли ҳам жиддий ўзгарди. Масалан, масофавий режимда билимлар олиш учун талаба ўта юқори даражада рағбатланган, ўзини мустақил ташкил этган, меҳнаткаш

бўлиши ва бошлаш учун муайян таълим даражасига эга бўлиши зарур. МТнинг хусусиятлари унинг дидактик тамойилларини аниқлаш имконини беради. Улар орасида қуидагиларни ажратиш лозим: тарбиялайдиган ва ривожлантирадиган ўқитиш тамойили, ўқитишнинг ҳаёт билан алоқадорлиги тамойили, илмийлик ва талабанинг кучи, қобилиятига мос келувчи қийинлик тамойили, тизимлилик ва изчиллик тамойили, ўқитувчининг раҳбарлик роли шароитида талабаларнинг онглилиги ва ижодий фаоллиги тамойили, таҳсил олувчиларни ўқитишнинг кўргазмалилиги ва ижодий фикрлашини ривожлантириш тамойили, талабаларни ўқитишнинг коллектив/жамоавийлик табиати ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш тамойили, ўқитишнинг ижобий муҳит, шароитда амалга оширилиши тамойили [3].

Бизнинг фикримизча, МТнинг дидактик тамойиллари олим А.А. Андреевнинг асарларида энг тўлақонли очиб берилган [2]. Уларни санаб ўтамиз: таълимнинг гуманистиклиги тамойили, таълимнинг очиқлиги ва мослашувчанлигини таъминлаш тамойили, янги ахборот технологияларидан фойдаланишнинг педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги тамойили, МТнинг таълим олишнинг мавжуд шаклларига антогонистик эмаслиги тамойили, интерфаоллик тамойили, бошланишдаги билимлар тамойили, индивидуаллаштириш тамойили, идентификация тамойили, таълимнинг тартибга солинганлиги тамойили.

Энди таълимнинг гуманистиклиги тамойили, янги ахборот технологиялардан фойдаланишнинг педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги, индивидуаллаштириш каби тамойилларига батафсил тўхталиб ўтамиз.

Таълимнинг гуманистиклиги тамойили. Ушбу тамойилнинг моҳияти ўқитиш ва таълим жараёнини инсонга қаратишдан ва таҳсил олувчиларнинг ижтимоий тўпланган тажрибани эгаллашлари учун максимал тарзда қулай шароитларни яратиш заруратидан иборат.

Янги ахборот технологиялардан фойдаланишнинг педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги. Ушбу тамойил лойиҳалаштиришнинг ҳар бир амали, қадамининг самарадорлигига педагогик баҳо беришни ва масофавий таълим тизимини (MTT) яратишни талаб этади, ва бу биринчи навбатда, ўқув курслари ва таълим хизматларини тегишли равишда тўлдиришга тааллуқли.

Индивидуаллаштириш тамойили. Масофавий таълим талабаларнинг индивидуал хусусиятларини максимал даражада ҳисобга олиш имконини беради. Бунинг учун, MTTда ўқув жараённида кириш ва жорий назорат ўтказилади. Кириш назорати талабаларнинг билимлари, малакалари ва

қўникмаларининг бошланғич даражасини МТТда самарали ўқитиш учун талаб қилинадиган етишмайдиган билимлар ва малакаларнинг ўрнини тўлдириш учун аниқлаб олиш имконини беради. Жорий назорат талабанинг таълим траекториясини ўқитиш жараёнида ислоҳ қилиб бориш имконини беради.

ХУЛОСА

Юқорида кўриб чиқилган дидактик тамойилларни масофавий таълим шаклининг элементларидан фойдаланишда амалга ошириш таҳсил оловчилар шахсининг қобилиятлар, манфаатлар, қизиқишлир, мойилликлари, инделлектуал/ақлий фаолияти ва бошқа хусусиятлари каби индивидуал-типологик хусусиятларини ҳисобга олиш имконини беради.

Таълимни табақалаштириш ўқув жараёнини шахснинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш, барча талабаларни таълимнинг турли таҳсил оловчилар учун турлича бўлиши мумкин бўлган мазмунини, бироқ барча учун инвариант қисмини албатта ажратиб қўрсатиши билан ўзлаштиришларини таъминлаш. Олий ўқув юртларда таълимнинг масофавий шакли элементларидан фойдаланиш шароитида табақалаштиришни амалга оширишга тааллуқли бўлган масалалар алоҳида аҳамият касб этади. МТ да табақалаштириш билан боғлиқ асосий тушунчаларни навбатдаги параграфда кўриб чиқамиз.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6079 сонли фармони.
2. Андреев А.А. Дидактические основы дистанционного обучения в высших учебных заведениях: Дис. ...д-ра. пед. наук. // <http://www.iet.mesi.ru/dis/oglo.htm>. -28.01.2002.
3. Самовольнова Л.Е. Об экспериментальном преподавании курса информатики и информационных технологий в 2001/2002 учебном году //Информатика и образование.-2001.—№ 6.— С,2-13.
4. С.Х.Доттаев Таълим жараёнларининг ахборот-методик таъминотини амалга оширишнинг портал технологиялари: дисс. PhD – Тошкент, 2021 йил. 11-б.
5. Ш.Бекчанова Масофавий таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш методикаси: дисс. PhD – Тошкент, 2021 йил. 12-б.